



2013 йил 6 июнь,
пайшанба, 23 (499)-сон

XASR



IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган,
e-mail: axborot@xasr.uz, xasr@yandex.com,
web sayti: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**Қонунни
такомиллаштиришдан
барча бирдек
манфаатдор**

3 **КОНЦЕПЦИЯ**



**Сайловчи ва
партия ўртасидаги
муштақкам кўприк**

5 **ҚУЙИ
БЎҒИНЛАРДА**



**«Қора олтин»
васвасаси**

7 **ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

«ЁШЛАР
КАНОТИ»

**БУЛУНҒУРНИНГ
«ИШБИЛАРМОН
ТАЛАБА»ЛАРИ**

O'zLiDePнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Ишбилармон талаба» кўриктанловининг Булунғур тумани босқичида юз нафар иқтидорли йигит-кизи иштирок этди

Янги авлод вакилларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратиш, мамлакатимиз келажаги йўлидаги иштироки ва изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида O'zLiDePнинг 2004 йилдан буён академик лицей ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ўртасида ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» танлови чекка ҳудудларда ҳам аниқ натижалар берапти.

— Лойиҳанинг саралаш босқичларини юқори савияда ташкил этиш учун кенгашларда ҳакамлар ҳайъати тузилди, — дейди O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор Луқмонов.

4 >>>

**БАДИЙ
ГИМНАСТИКА**



**ҚИЗГИН
БАҲСЛАР**

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Sagavan» халқаро турнири давом этмоқда. Мусобақаларнинг биринчи кунини «Happy Sagavan» халқаро турнирининг яқалик кўпқураш баҳсларида саккиз мамлакат вакиллари халқа ва тўпда машқ бажариш бўйича беллашди. Иқтидорли гимнастикачимиз Равила Фархудинова халқаро машқ бажариш бўйича 15,4 баллни кўлга киритди. Ушбу баҳсда қатнашган яна бир спортчимиз Жасмин Юсупованинг чиқиши 14,7 баллга лойиқ топилди. Тўп билан машқ бажаришда Комила Саидхонова 14,45, Сабина Тошқенова 13,25 балл жамғарди.

— Ўзбекистон бадий гимнастика мактаби ўзининг бой анъаналари ва номдор вакилларига эга, — дейди Россия терма жамоаси мураббийси Вера Шаталина. — Шунинг учун Ўзбекистонда ташкил этиладиган спорт анжуманларида қатнашиш менга катта қувонч бағишлайди. Ўзбекистонда бадий гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва имкониятга ҳавас қилса арзийди. Мусобақалар давом этмоқда.

(ЎзА)

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА
ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ҲАМДА УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ:**

**Ўзбекистон
тажрибаси**

ТОШКЕНТДА «ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ, УЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ: ЎЗБЕКISTON ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан «БМТ – хотин-қизлар» дастурларини Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида амалга ошириш бўйича минтақавий офиси ҳамда Германиянинг омонат кассалари жамғармаси кўмағида ташкил этилди.

Конференцияда Германия, Италия, Хитой, Малайзия, АҚШ ва МДХнинг қатор давлатларидан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро жамоат

ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган кенг қўламли комплекс ислохотлар амалга ошириладигани таъкидланди. Жамиятимизда хотин-қизларнинг маърифати ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда иштирокини кенгайтириш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

3 >>>



Сониқ ЗОИР оғани сурат

**Мансабдор шахслар
жавобгарлиги кучайтирилсин**

O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 5-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, БОЖХОНА КОДЕКСИНИ ЭСА 71-МОДДА БИЛАН ТЎЛДИРИШ ТАКЛИФИНИ МАЪҚУЛЛАДИЛАР

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида, шунингдек, партия электорати манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга қаратилган

бир қатор қонун лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Фракция аъзолари дастлаб «Олий малакали илмий ва ил-

мий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

2 >>>

ИНТЕРВЬЮ

**«O'zLiDeP ва
ССП ҳамкорлиги
янгича ёндашувларни
талаб этмоқда»**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ, РОЛИ ВА ТАЪСИРИ ҲЕЧ БИР СОҲА ВА Йўналиш ўрнини БОСОЛМАЙДИГАН КАТТА АҲАМИЯТИ БИЛАН ҲАМ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТИМИЗ РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ЭҒАЛЛАМОҚДА

Айни пайтда мазкур соҳа янги иш ўринлари ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг ҳам муҳим омилга айланди. Зеро, бугун иш билан банд аҳолининг 75,7 фоиздан ортғини айнан шу соҳада меҳнат қилаяпти.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 54,6 фоизга етди. Унинг саноатдаги улуши эса 15,8 фоиздан ошди.

Ҳўш, 2013 йилнинг биринчи чорағида айнан ана шу соҳа вакиллари манфаатини ҳимоя қилаётган ССП томонидан қандай ишлар амалга оширилди?



Палатанинг ўз олдига қўйган навалари режалари нималардан иборат? «XXI аср» муҳбирининг Ўзбекистон Савдо-саноат пала-

таси раиси Алишер Шайхов билан суҳбати айнан ана шу масалаларга бағишланди.

6 >>>

**БҲУНГИ
СОНДА:**

**КУЧЛИ
КАДРЛАДАН —
КУЧЛИ БИЗНЕСГА**

2 - САҲИФАДА

**БАНК ТИЗИМИ
ЁШ
ТАДБИРКОРЛАРНИ
ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАМОҚДА**

4 - САҲИФАДА

**«ХУНДАЙ-
АВАНТЕ»
УШПАНДИ**

6 - САҲИФАДА

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

**Акциядорлик
жамиятлари ва
акциядорлар учун
қўшимча
кафолатлар**

ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИДА «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОННЕПЦИЯСИ» АСОСИДА ИВЛАБ ЧИҚИЛГАН «АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Кувондик ХАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



Ҳўш, мазкур қонун қабул қилинса, акциядорларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтиришда қандай қўшимча имкониятлар яратилади?

Янги қонун лойиҳаси корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш, акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, акциядор-

лик жамиятларидаги бошқарув ва назорат органлари ролини ошириш, потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ошқоралигини таъминлашга қаратилган депутатлар алоҳида таъкидламоқдалар.

2 >>>

1 Австралия доллари	▲ 2006,97
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3172,88
1 Дания кронаси	▲ 363,97
1 БАА дирҳами	▲ 567,72

1 АҚШ доллари	▲ 2084,95
1 Миср фунти	▲ 298,55
1 Исландия кронаси	▲ 17,06
1 Канада доллари	▼ 2012,31

1 Хитой юани	▲ 340,02
1 Малайзия рингити	▲ 675,40
1 Польша злотийси	▼ 634,32
1 СДР	▲ 3124,86

1 Туркия лираси	▼ 1102,45
1 Швейцария франки	▲ 2180,00
1 ЕВРО	▲ 2699,35
10 Жанубий Корея вони	▼ 18,49

10 Япония йенаси	▲ 207,23
1 Россия рубли	▼ 65,57
1 Украина гривнаси	▲ 260,85

ПАРЛАМЕНТДА

Мансабдор шахслар жавобгарлиги кучайтирилсин

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони асосида ишлаб чиқилган.

Янги қонун лойиҳасига кўра, мамлакатимизда қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш назарда тутилган. Шу муносабат билан қонун лойиҳаси орқали Меҳнат кодекси, Уй-жой кодекси, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгаришлар киритиш таклиф этилмоқда.

— Олий таълимдан кейинги босқичда ўтказилаётган ислоҳотлар асосида юқорида кўрсатилган кодекс ва қонунлардан «аспирантура» тушунчасини чиқариш, «докторантура»ни «катта илмий ходим-изланувчилар институтига» билан алмаштириш белгилаб қўйилмоқда, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан Халмуратова. — Уни ишлаб чиқиш жараёнида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари билан бир қаторда АКШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия ва бошқа давлатларнинг олий таълимдан кейинги таълим тизими қиёсий нўқтани назардан ўрганилди.

— Фракция муҳокамага киритилган навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган, деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Лойиҳанинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларига кенг эркинликлар бериш, уларнинг жавобгарлигини янада либераллаштиришдан иборатдир.

Фармонда таъкидланганидек, давлат ва назорат идораларининг қорхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича қабул қилинган чораларга қарамасдан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Шу муносабат билан мазкур қонун лойиҳаси орқали Хўжалик-процессуал кодексининг 12-моддасига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига қўшимчалар киритиш, Божхона кодексини эса 71-модда билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Ўрнатилган янги тартибга мувофиқ, қонунчиликни бузганлик учун бутун ташкилот эмас, балки айбдор мансабдор



шахслар жавобгар бўлади. Бунда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиши баробарида юридик шахслар учун бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари сақланиб қолаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш заруриятидан келиб чиқиб, 13 та қонун ҳужжатига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бундан ташқари, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш, «Реформа тўғрисида»ги қонундан реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчи юридик шахсларнинг мазкур қонунни бузганлиги учун жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. Лекин бундай ўзгаришлар банк ва банкдан ташқари олий молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ молиявий санкцияларга татбиқ этилмайди.

Эътиборга молик томони, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракциямиз аъзолари киритган тақлифлар тўлиқ инобатга олинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини О'zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов тақдим қилди. Маърузачи-

нинг таъкидлашича, нефть ва газ қувурларига ноқонуний улашни йўли билан ўғирлик содир этган ҳамда ушбу ўтказгичларга шикаст етказган шахслар ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми ва 173-моддаси 2-қисми бўйича малакаланади, аммо бу жазо содир этилаётган жиноятнинг оғирлик даражасига мутаносиб келмайди.

Нефть ва газ маҳсулотларининг ўғирланиши, одатда жиноятнинг тугалланмаган босқичида, яъни кесиб улашни кўриб қолганда ёки жиноятчиларнинг маҳсулотларни қувур ўтказгичлардан бевосита олиш ҳаракатларига барҳам бериш вақтида аниқланади. Шунинг учун ҳам ўтказгичдаги маҳсулотларни ноқонуний олиш мақсадида қувурга кесиб улашни содир этган шахсларнинг ҳаракатлари қувур ўтказгичлар тизимига жиний аралашувнинг дастлабки (ўғирлик қилиш нияти) босқичини ташкил этади. Бундай ҳолатларда ўғирланган маҳсулотнинг асл миқдори ҳамда жиноятчиларнинг нефть маҳсулотларини қанча миқдорда ўғирлашга бўлган ниятини аниқлаш жуда мураккабдир.

Нефть ва газ маҳсулотлари мамлакат миқдосида стратегик аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, ноқонуний улашни йўли билан ўғирланиши аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга жиддий хавф туғдириб, давлатнинг иқтисодий салоҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ушбу соҳадаги жиноятлар сонининг ўсишига барҳам бериш мақсадида мазкур жиноятларнинг содир этилиши учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда қувур ўтказ-

гичларни назорат қилишининг янада самаралироқ методикасини жорий этиш мақсадида янги қонун лойиҳаси орқали қўйилган тақлиф этилаётган:

биринчидан, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмининг нефть ва газ қувурларига ноқонуний улашни йўли билан ўғирлик содир этганлик учун жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутувчи банд билан тўлдириш; иккинчидан, Жиноят кодексининг 255-2-модда билан тўлдириб, нефть ва газ қувурларининг шикастланиши ва яроқсиз ҳолга келтирилиши учун жиний жавобгарликни кўзда тутиш;

учинчидан, ҳуқуқий коллизияларнинг олдини олиш учун мазкур моддаларнинг диспозициясини аниқлаштириш, табиий газдан ноқонуний фойдаланишни ўғирликдан ажратиш мақсадида Жиноят кодексининг 185-2-моддаси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш жараёнида О'zLiDeP фракция томонидан киритилган тақлифларнинг аксарияти, аниқроғи, тўрттаси ўз аксини топди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида», «Одамнинг имунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда маъқулланди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Хабарлар

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — ЮРТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР ДЕМАКДИР

Мамлакатимизда янги авлод вакиллариининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг иқтисодий изланишлари, хусусан, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буни оқолтинлик тадбиркор Нурани Одинаев фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Утган йили Миллий банкнинг Сирдарё вилоят филиали томонидан ажратилган 65 миллион сўмлик кредитдан унумли фойдаланган тадбиркор «Оқолтин ипаги» МЧЖ негизда ипак ўраш цехини ташкил этди. Кўп ўтмай, «Ипак Шерзод Шерзодий» кичик қорхонасига асос солинди. Маргилондан тўқув ускуна ва дастгоҳларини келтириб, 25 нафар ўғил-қизни иш билан таъминлаган ишбилармон йигит бугун янги марраларни кўзлаётти.

Маълум бўлишича, 2012 йилда 55 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган қорхонада айти пайтда ҳар кун 200-250 метр адрас тўкилиб, харидорларга жўнатилмоқда. — Маҳсулотимиз сифат жиҳатидан Маргилон адрасидан қолишмаётгани боис, биз билан шартнома тузаётган бюртмачилар сони кўпайиб бормоқда. Шундай бўлса-да, ўз олдимизга хорижда замонавий технология линияларини олиб келиб, ишлаб чиқариш ҳамжамини янада кенгайтиришни мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди Н.Одинаев. — Шу ўринда қорхонамиз бу йил касб-хўнар коллежларини тугатган яна ўнлаб битирувчиға касб сирларини ўргатиб, иш билан таъминлашни режалаштираётганини айтиш жоиз.

Гулнор НИШОНБОВА.

«ШАҲЗОДАНИНГ ҚОҢЛОН ОВИ»

Бухорода «Бухоро музейларининг дурдоналари» кўргазмаси ташкил этилди. Экспонатлар орасида VI-VIII асрларда Варахса саройи деворига номаълум расом томонидан чизилган «Шаҳзоданинг қоллон ови» номли улкан сурат фоторепродукцияси кўпчилик диққатини тортаяпти. Кўргазмага қўйилган нумизматика тўпламидан эса Кушон давлати, сомонийлар, қораконийлар, темирлийлар, шайбонийлар, аштархонийлар ва мангитлар даврига оид кўплаб тангалар жой олган. Экспозициянинг халқ амалий санъати бўлимида намойиш этилган Бухоронинг қадимий гиламлари, Ўзбекистон халқ расоми Хамробуви Раҳимова томонидан ясалган турли жониворлар шаклидаги хушпулақлар, таниқли хўнарманд Алишер Назруллаев ва унинг шогирдлари томонидан ясалган сопол лаганлар, тақроланмас хўнари билан кўплаб мухлислар қалбидан жой олган уста Салим Ҳамидовнинг сержило лаълилари ҳам кўпчилик эътиборини тортди.

Ахсор ИСТАМОВ.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар учун қўшимча кафолатлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бошқача айтганда, акциядорлик жамиятларини тапқил этиш, улар фаолияти ва уларни тугатиш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари қонун лойиҳасининг асосий предмети ҳисобланади.

Унда, жумладан, акциядорлик жамиятлари шакллари, яъни очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари тушунчасини чиқариб ташлаш, шу билан бирга, акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акцияларни очик ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириш мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, бу акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ нормаларнинг аниқ акс эттирилганидир.

Хусусан, Кузатув кенгашининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида лойиҳага Кузатув кенгашининг йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш, жамият устави фонднинг ошириш, жамият устави фонд ошшириш муносабати билан унга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, аудиторлик ташкилотини ташлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, жамиятнинг ички назорат органлари ҳисоботини тинглашдаги ҳуқуқларини кенгайтириш метёдрлари белгилаб қўйилапти. Бундан ташқари, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг қарорларини сурункали равишда бажармаслик ижро органи билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш)га асос бўлиши қайд этил-

моқда. Мазкур норма орқали жамиятнинг коллегиял ижроия органи аъзолари билан шартномалар тузиш тартиби, яъни коллегиял ижроия органи аъзосининг функционал мажбуриятларини бажариши, жамиятга етказилган зарар бўйича жамият ва акциядорлар олдидagi жавобгарлиги аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, жамият тафтиш комиссиясининг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида комиссия аъзоларига малакавий талаблар ўрнатилиши ва бир шахсни тафтиш комиссияси аъзоллигига кетма-кет икки мартадан ортиқ сайланишига чеклов ўрнатилиши кўзда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг аҳамиятга молик томонлардан яна биров — бу миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари ҳақидаги нормаларнинг кучайтирилганлигидир. Зеро, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорлар учун кафолатларни кўпроқ таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айти мудоаа бўлиши таъкидланган эди.

Маълумки, амалиётда акциядорларнинг умумий йиғилишида йирик акциядорларнинг иштирок этмаслиги оқибатида қворум мавжуд эмаслиги натижа-сида йиғилиш ўтказилмай қолиши ҳолатлари учра-моқда. Бу нафақат жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти, балки ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ

корпоратив қарорларни ўз вақтида қабул қилинмаётганлигига ҳам сабаб бўлмоқда. Ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонун лойиҳасида акциядорларнинг янги қақирилган Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугатган пайтга келиб жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу Умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланиши тўғрисидаги метёр киритилмоқда.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталыш жоиз. Мазкур қонун лойиҳасига акциядорлик жамиятлари томонидан фонд биржаси сайтида жамият устави ҳамда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар матнининг чоп этилиши мажбурийлиги тўғрисидаги метёр ҳамда акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятнинг фаолиятини таъминлаш ахборотларни жамият томонидан ошкор қилишни кўзда тутишчи моддаларнинг киритилиши О'zLiDePнинг дастурий мақсадларига тўла мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонуннинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада такомиллаштириб, улардаги бошқарув ва назорат органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади, энг асосийси эса миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институтини яратди, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун жамият фаолияти тўғрисидаги кенгроқ ахборотлар олиш кафолатини яратди.

Тадбир

Кучли кадрлардан — кучли бизнесга

ПОЙТАХТИМИЗДА «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚўМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ, «SAIPRO» АХБОРОТ-РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА «ФОНД ФОРУМ» ТАШАБУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН «МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — МУВАФФАҚИЯТЛИ БИЗНЕС ГАРОВИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМДА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси, Ахборот ва коммуникация технологиялари, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири билан ҳамкорликда ташкил этилган нуфузли тадбирда бизнес юритиш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни самарали бошқариш, меҳнат бозорининг ривожланиш тенденцияларини изчил таҳлил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган сиёсат, замонавий меҳнат бозорининг тараққиёт омиллари, HR-стратегияларни компаниялар бошқарувиға интеграциялаш жараёни, ходимлар малакасини ошириш,

меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш масалаларини қамраб олган тадбирда етакчи иш берувчи компаниялар ёш мутахассислар, хусусан, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жалб этиш, уларни саралаш ва орий-жойига қўйиш бўйича жой-тиртган тажрибалари билан ҳам ўртоқлашди.

Форумнинг иккинчи кунда Ташкентдаги Халқаро Вестминстер университетиде «Замонавий меҳнат бозори талабларига мос малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юрғлари аҳамиятини ошириш» мавзусида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда «Келажак овози» ҳузуридаги Ёшлар бандлигини таъминлашга қўмаклашувчи марказ томонидан мунтазам «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари ўтказилаётгани минг-минглаб битирувчиларнинг доимий иш ўринлари-

га эга бўлишларида амалий қўмак бераётган алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, «Ёш тадбиркорлар» мактаби, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» нодавлат нотижасиз ташкилоти, «SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги ҳамда UzJobs.com ҳамкорлигида ташкил этилган «Қўллаб иш ўринлари» ярмаркаси ва «Касб кўни» доирасидаги тадбирларда иш берувчи компаниялар мутахассислари, хусусан, битирувчилар билан шу ернинг ўзига алоқа ўрнатиш, истеъдодли ҳамда интилувчан ёшларни ишга таклиф қилиш имконига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, 10 мингдан ортиқ давъогарга етакчи компанияларда амалиёт ўташ ва ишлаш учун кенг йўл очиб имконини берди.

Д.Ҳабибова тайёрлади.

МОЛИЯ



Банк тизими ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватламоқда

КЕЙИНГИ ЎН ЙИЛ ДАВОМИДА ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ПАЙДО БЎЛГАН МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИ — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР ҲАЖМИ 15 БАРОБАРГА ЎСДИ. АНА ШУ ДАВРДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН ЎНДАН ОРТИҚ ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Азамат КОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Кичик
бизнесни қўллаб-
қувватлашни
мувофиқлаштириш
департаменти директори

Бу, шубҳасиз, жойларда тадбиркорлик учун қўлай бизнес муҳити яратилгани, ажратилаётган кредитлар, авваламбор, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун узок муддатли кредитлар ҳажми оширилгани, шунингдек, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилангани билан чамбарчас боғлиқдир.

Кези келганда давлатимиз раҳбари томонидан янги авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, ёшларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қўлай шарт-шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Бу борада миллий банк тизимининг ҳиссаси ҳам изчил ошиб борапти. Жумладан, 2012 йил тижорат банклари томонидан ёш тадбиркор, фермер ва хунармандларга ажратилган кредитлар ҳажми 509,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 2,9 баробарга ўсган.

Ушбу соҳа вакилларига жорий йилнинг январь-апрель ойларида 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 баробар кўп ёки 163,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган.


Шу ўринда тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этиш жоиз.

Жумладан, 2012 йил давомида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 25,6 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар йўналтирилиб, ушбу кўрсаткичнинг 2010 йилга нисбатан қарийб 3,2 баробарга ўсиши таъминланди. Жорий йил давомида уларга белгиланган тартибда тижорат банклари томонидан 150 млрд. сўмдан зиёд, яъни ўтган 2012 йилга нисбатан 3 баробардан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг январь-апрель ойлари давомида тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 баробар кўп ёки 33,0 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар йўналтирилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари эса амалга оширилаётган ишлар моҳиятини кенг тушунириш имконини берапти. Хусусан, кичик бизнес субъектларига, шу билан бирга ўз ишини бошлаётган ёш тадбиркорларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилиб, мижозларга малакали мутахассислар томонидан кредитлар ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш юзасидан зарур маслаҳатлар берилапти.

Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молия-



вий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар, микромолиялашнинг аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш борасидаги аҳамияти кенг тартиб қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, бир қатор тижорат банклари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда жойларда ўтказилаётган «Менин бизнес гоям», «Ёш тадбиркор — юртва мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилда «Менин бизнес гоям» танловига 40 мингдан ортиқ касб-хунар коллежи битирувчилари ҳамда «Ёш тадбиркор — юртва мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларига 5 мингдан ортиқ йўл-қўзғалар жалб этилиши кутилаётганини ҳам айтиш ўттиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Коллеж битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятлари» мавзуси доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилган имтиёзлар, кредит ажратиш шарт-шароитлари юзасидан

жойларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда.

Ҳозиргача бундай семинар ва учрашувлар Мўйноқ, Шуманай, Қўрғонтепа, Бахмал, Янгиобод, Зомин, Бағдод, Чуст, Мингбулок, Чирокчи, Деҳқонобод, Томди, Қўшрабат, Шўрчи, Бойсун, Окқўрғон ва Бўка сингари энг чекка ҳудудларда ҳам ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармасининг маблағлари ҳудуддаги ёш тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида 2012 йил давомида 1 677 нафар ёш тадбиркор, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 187 млрд. сўм ҳажмидаги бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредит ажратилган бўлса, биргина жорий йилнинг январь-апрель ойларида 1204 нафар ёш тадбиркорнинг қарийб 98,0 млрд. сўмлик лойиҳаларига ана шундай ҳуқуқни берадиган сертификатлар ажратилди.

Қолаверса, 2013 йилнинг 16-25 апрель кунлари жойларда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Марказий банк ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Диплом билан — бизнесга» ва «Мулқдор оилани 2013» лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида «Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланиши — обод турмушнинг муҳим шарт-шароити» мавзусида жойларда форум-

лар ўтказилгани ҳам диққатга моликдир. Ушбу форумларда бундан ташқари ямаркалари ташкил этилиб, унда корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд иш ўринлари билан иштирок этилди.

Омма ўртасида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий эътидаги роли ва улушини ошириш, аҳоли бандлиги ва даромадлари ортишини таъминлаш юзасидан қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, кичик бизнес субъектларининг миллий валютасидаги ҳисоб рақамлари тижорат банклари томонидан тўлов ундирмасдан очилаётгани, уларнинг кредит аризалари эса уч банк куни давомида қўриб чиқилаётгани ҳам ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаяпти.

Муҳтасар қилиб айтганда, банк тизимининг молиявий қўмаги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борган сари иқтисодий эътиборнинг муҳим бўлинига айланмоқда. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт йўли тўғрисида танланганидан яна бир далolatдир.

ХАБАРЛАР

ЙЎЛЛАРГА 160 МИЛЛАРД СЎМ

2012 йилда умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларида транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, улардаги турли нуқсонларни бартараф этиш, хусусан, 2100 километрлик йўл қолламаларини таъмирлаш учун 300 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 160 миллиард сўмни ташкил этди ва 1000 километрга яқин йўл янгиланди.

Бундан ташқари, 2011-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан Миллий автомагистраль таркибигади 1487 километрлик автомобиль йўлларида қуриш ва реконструкция ишлари жадал олиб бориламоқда. Бунинг учун эса 34,9 миллион АКШ долларлик 450 та техника воситалари харид қилиниб, 24 та корхонанинг ишлаб чиқариши ва саноат базаларини тубдан янгиллаш кўзда тутилган.

«Узавтйўл» ДАК ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда ана шундай маълумотлар эълон қилинди.

Тадбирда компания мутасаддилари ОАВ вакиллари билан савол-жавоб сўрашди.

Равшан ҲАЙДАРОВ.

ФЕРМЕР БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН БИРГА

Фаргона туманидаги «Миндон Мирза Ҳамдам» фермер ҳўжалиги қошида тикувчилик цехи ташкил этилди. 35 миллион сўмлик кредит ҳисобига 12 та замонавий тикув дастгоҳлари харид қилган ҳўжалик шу тариха 36 нафар опа-сингилларимизни иш билан таъминлади. Фермер ҳўжалиги раҳбари Адхамжон Ҳамдамовнинг таъкидлашича, айти пайтда мазкур цехда 32 нафар коллеж битирувчиси ҳам тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

Аҳборжон МУСУРМОҢОВ.

«УМИД»НИНГ ҚУЛОЧИ КЕНГАЙМОҚДА

Қамаш туманидаги «Умид» ишлаб чиқариш фирмасида бир кунда 350 тонна тошни майдалаб, саралайдиган янги цех ишга туширилгани қўрилиш объектларида керакли миқдорда сараланган тош етказиб бериш имкониятини яратди.

Тадбиркор Сайдилла Холиёров раҳбарлик қилаётган мазкур фирма томонидан 2012 йил 486 миллион сўмлик қўрилиш ишлари бажарилиб, замонавий уйлар, мактаб ва коллежлар бунёд этилди. Айти пайтда бу ерда 100 дан ортиқ киши меҳнат қилаяпти.

Сайфулла ИКРОМОВ.

Булунғурнинг «Ишбилармон талаба»лари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

— Қувонарли томони шундаки, кўрик-танловнинг туман bosқичида барча касб-хунар таълими муассасалари қамраб олинди.

Тадбирда О'zLiDeP Булунғур туман кенгаши масъул ходимлари ҳамда халқ депутатлари туман кенгаши депутатларидан ташқари 100 га яқин талаба иштирок этганини эса алоҳида таъкидлаш лозим. О'zLiDeP Булунғур туман кенгаши раиси Х.Эрановнинг фикрича, «Ишбилармон талаба» стипендиеси коллеж талабаларининг ўз бизнесини бошлаши ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларида, шубҳасиз, қўшимча имконият яратди.

Булунғур қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежининг 2-bosқич талабаси З.Сатторов ушбу танловда миллий кўроқчилик соҳасидаги амалий ишланмалари ва уни янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиққан инновацион лойиҳаси билан қатнашди.

— Ёшларга қаратилган бундай тадбирлар ёшларни буюк ишларга ундайди, — дейди З.Сатторов. — Ҳозир миллий анъана ва қадриятларимизни оммалаштириш мақсадида миллий кўроқчилик йўналишида фаолият олиб бормоқдам. Келгусида кредит олиб, тенгдошларимни ҳам ушбу соҳага жалб этмоқчиман.

Худди шундай тадбир Самарқанд туманида ҳам ташкил этилди. Унда касб-хунар коллежларининг 36 нафар иқтидорли талаба-



си ўз лойиҳаларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим қилдилар.

Танловда, айниқса, Самарқанд имкониятлари чекланган шахслар учун махсус ихтисослаштирилган касб-хунар коллежининг 1-bosқич талабаси М.Абдусатторов бошқалардан ажралиб турди. У пойабзал тайёрлаш ва таъмирлаш йўналишида таҳсил олмоқда.

— Коллежимизда пойабзал ишлаб чиқаришнинг кичик цех фаолияти йўлга қўйилган, — дейди М.Абдусатторов. — Мен ана шу цехда бир кунда 4-5 жуфт пойабзал тайёрлайман. Келгусида ўзим ҳам шундай цех ташкил этмоқчиман. Бунинг учун эса «Ишбилармон талаба» лойиҳасида иштирок этиб, соҳа мутахассисларидан керакли тавсиялар олишим қўл келадди, албатта. Ниятим вилоят bosқичида ҳам оғиб чиқиб, рес-

публика bosқичида қатнашишдир.

Бир сўз билан айтганда, О'zLiDePнинг ёшлар учун ташкил этаётган лойиҳаларининг барчаси ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантиришга қаратилгандир.

Шу маънода, ўтган давр мобайнида Самарқанд вилоятида «Ишбилармон талаба» доирасидаги тадбирларда жами 3000 нафардан ортиқ талаба иштирок этган бўлса, айти пайтда уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани кўрик-танловнинг ҳаётий самарасидир, десак муболаға бўлмайд.

«Аёллар қаноти»

Оилавий тадбиркорликка эътибор юқори

О'ZLIDER АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ЎРИНОСОРИ ХУРШИДА ХАЛИЛОВАНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛГАН 978 НАФАР ТАДБИРКОР ВА 167 НАФАР ФЕРМЕР ХОТИН-ҚИЗ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Дарҳақиқат, турли соҳаларда ўз салоҳияти ва ташаббускорлигини намойиш этаётган опа-сингилларимиз партиявий лойиҳалар асосида хотин-қизларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратаётган. Хусусан, тадбиркорлик соҳасига қadam қўйган 8 нафар хотин-қизга тижорат банкларида 130 млн. сўмдан ортиқ кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натияжада 42 нафар хотин-қиз доимий, 100 нафардан ортиги эса мавсумий иш билан таъминланди.

Маълумки, аҳоли, айниқса, қишлоқ фуқароларини иш билан таъминлашда оилавий тадбиркорлик энг муҳим омил саналаяпти. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» сингари партиявий лойиҳалар доирасида ташкил этилаётган тадбирларда хонадон тадбиркорлигини ривожлантириш, бизнес-ғоя танлаш ва бизнес-режа ишлаб чиқиш масалаларига эътибор ку-

чайтирилмоқда. Зеро, тадбиркорликнинг ушбу тури фарзандларимиз тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бизнеснинг ушбу тури маҳалларда, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш баробарида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам муҳим омил экани бежиз тилга олинмаяпти.

Айти пайтда Андижон вилоятида 22 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирма фаолият юритаётгани ҳам шундан далolat берапти.

Шу ўринда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бизнеснинг янги тури учун кенг имкониятлар яратганини таъкидлаш жоиз. Бу эса О'zLiDeP фаолларидан мазкур қонунда белгилаб берилган имтиёзларни изчил тарғиб этилиши ҳам тақозо этади.

— «Обод турмуш йили»да амалга оширилаётган партиявий лойиҳалар янгича мазмун билан бойитилаётгани сафларининг кенгайишига хизмат қилаяпти, — дейди Хуршида Халилова. — Шу кунга қадар мазкур лойиҳаларга 1500 нафардан ортиқ аёллар жалб этилди. Бунда Балиқчи, Асака, Марҳамат ва Бўз туманларидаги опа-сингилларимиз фаолият кўрсатишапти. Агар белгилаб олган режаларимиз тўла амалга оеса, 2013 йил охирига қадар тадбиркор опа-сингилларимиз кўмагида яна юзлаб янги иш ўрни яратамиз. Бу жараёнда маҳаллий кенгаш депутатлари, партиянинг «Ёшлар қаноти» вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Наргиза ҚАҲҚОРОВА.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



О'zLiDeP Тўртқўл туман кенгашида «Бошланғич партиё ташкилотларининг партиё фаолиятидаги ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда партиё аъзолари аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

БУХОРО



Когон туманидаги «Саломатлик» масканида ташкил этилган тадбирда бошланғич ташкилотлар аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий фаолигини ошириш, партиё электоратини ўйлангич қилиш ҳақидаги масалаларни юқори партиё ташкилотларига етказишда асосий воситага айланишлари лозимлиги таъкидланди.

АНДИЖОН



Асака туманидаги «Автокомпонент» ОАЖда бошланғич партиё ташкилоти иш бошлагани муносабати билан ўтказилган тадбирда партиёнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда БПТ фаолигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 6 июнь, пайшанба, 23 (499)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Катта мақсад сари ташланган биринчи қадам

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЙ МАСЛАҲАТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИДА ИШ БОШЛАГАН ЯНГИ ҚЎЙИ БЎҒИН АЪЗОЛАРИ ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ЭТИШГА ОИД ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ НИҲОЯТДА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI asr»



Маълумки, бирон-бир сиёсий куч атрофига бириктирилган фуқаролар партиёнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат миллий манфаатларини ифода этишда зиммаларидаги масъулиятни тегишлик ҳис этишлари. Гарчи О'zLiDeP хусусий секторни қўллаб-қувватлаб, соҳада амалга оширилган ишларнинг учун масъулиятни ўз зиммасига олган бўлса-да, бошқа соҳалар ривожига ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Тиббиёт соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Малакали шифокор ва соҳанинг етуқ мутахассисларидан иборат янги БПТнинг дастлабки йиғилишида айнан ана шу хусусда сўз юритилди.

— О'zLiDePнинг дастурий мақсадлари мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнига ҳамроҳлиги билан бизни кўпроқ ўзига жалб этди, — деди Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат-диагностика маркази давлат унитар корхонаси директори Орифжон Аршодов. — Энди иш бошлаган бошланғич ташкилот партиё дастурий ҳужжатлари амалга оширишда фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўллаш ишларидаги муносиб ҳисса қўлишни ўзининг асосий мақсади этиб белгилаб олди.

Шу ўринда мазкур жамоа ҳали БПТ иш бошламасиданоқ партиё илғари сураётган гоё ва мақсадларни ўз амалий ишлари билан қўллаб-қувватлаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, О'zLiDePнинг Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлимининг ноғирон ва кам таъминланган хотин-қизлар, боқувчисини йўқотган қарияларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш тақдирини диагностика маркази мутасаллиҳати томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада Ҳамза туманидаги Маҳмур, Мирзо Улугбек, Умид, Мустақиллик, Бойқўрғон, Машинасоллар, Истиқбол ва Дўстлик маҳаллаларидаги 70 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

— О'zLiDePнинг ёлғиз ва боқувчисини йўқотган қарияларга кўрсатаётган эътибори партиё давлатнинг бу борадаги сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир, — дейди Бойқўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи Озода ая Султанова. — Кексалар аҳволдан хабар олиб, уларнинг соғлиги текширувдан ўтказилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бу, шубҳасиз, давлатимиз томонидан қарияларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир. Ёлғизлик ҳеч кимга насиб этмасин. Аммо мен бугун ёлғиз эмаслигимни яна бир бор англадим. О'zLiDeP эътибори, шифокорларнинг илиқ муомаласи кўнглимни кўтарди. Гарчи, ёшим партиёга аъзо бўлишга имкон бермаса-да, ўзимни мазкур партиё аъзоси, деб санатим келди...

Маълумки, бошланғич таш-

килотлар ўз атрофига қайси соҳа вакиллари бирлаштираётган либерал-демократик гоёлар тарғиботида асосий эътибор қаратиши баробарида ўз ҳудуддаги ҳаётини муаммоларни ўрганиши, улар ечимига оид тақлифларни ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис тиббий маслаҳат-диагностика марказида иш бошлаган БПТ фаоллари касб-ҳунари коллежалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, 132 нафар мутахассис-шифокор фаолият кўрсатаётган ишбу бир-

лашмага 2012-2013 ўқув йилида тиббиёт билим юрти битирувчиларидан 20 нафарга яқини ишга қабул қилинди. — БПТлар фаолиятига янги-ча ёндашув ва муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилаётиб, — дейди О'zLiDeP Ҳамза туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шоҳида Назарова. — Бирон-бир ташкилотда БПТ тузилиши партиё аъзоларининг фақат шу корхона ва унинг меҳнат жамоаси муаммолари билан «ўралашиб» қолишни аниқлаш керак. Аксинча, қўйи бўғин демократик

ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг фаол тарғибчиларига ҳам айланишлари лозим. Ингилишида БПТ раислигига сайланган олий тоифали шифокор Шоира Абдуразоқова БПТнинг 2013 йилги иш режасига тўхталиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритилаётган янги қонунлардан тортиб, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолиятига БПТ аъзоларининг диққат марказида бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Ижтимоий реклама

ДИҚҚАТ, «ЁШ ОЛИМЛАР ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАР-2013» ТАНЛОВИ!

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда О'zLiDeP Дастурида назарда тутилган устувор вазифаларни ҳал этиш, ёш олимларни илмий-тадқиқот, ижодий ва бунёдкорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш мутахассисларнинг давлат ва жамият ривожининг турли тармақларида иштирокини таъминлаш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсиш учун имконият яратиш, юқори малакали, мустақил, ижодий фикрлайдиган етуқ кадрлар сифатида шаклланишларига кўмак бериш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроа Қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар танлови»ни ўтказди. Танловда 36 ёшгача бўлган ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар иштирок этиши мумкин.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҚЎЙИДАГИ ЙўНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЁЗМА ИЛМИЙ ИШЛАР БИЛАН КАТНАШИШЛАРИ МУМКИН:

1. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш.
2. Бозор ишловларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш.

ТАНЛОВ ҚЎЙИДАГИ ҲУДУДЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

12-13 июнь кунлари Қорақалпоқ Давлат университетида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидаги ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар ўртасида;
19-20 июнь кунлари Андижон давлат университетида Андижон, Фарғона, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларидаги ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар ўртасида;
27-28 июнь кунлари Самарқанд давлат университетида Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар ўртасида бўлиб ўтади.

Ишланмаларни 2013 йил 8 июндан кечикмасдан, танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги манзилларга етказиш зарур:
Қорақалпоқ Давлат университети (Нукус ш., Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (361) 223-60-47, e-mail: karsu_info@edu.uz);
Андижон Давлат университети (Андижон ш., Университет кўчаси, 129. Тел.: (374) 225-05-09, e-mail: agsu_info@edu.uz);
Самарқанд Давлат университети (Самарқанд ш., Университет кўчаси, 15 уй. Тел. (366) 233 34 87). e-mail: patent@samdu.uz.

ТАНЛОВ ФОЛИЛАРИГА БАРЧА ЙўНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ИШЛАР УЧУН ҚЎЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИЗ ЭТИЛГАН:

- 1 - ўрин учун — нетбук;
- 2 - ўрин учун — қимматбаҳо совға;
- 3 - ўрин учун — қимматбаҳо совға.

Бундан ташқари бир қатор рағбатлантирувчи мукофотлар жорий этилган.

Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни www.uzlider.uz сайтидан олишингиз ва қўшимча ахборот учун (8371) 255-48-17, 255-46-36 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.



Сайловчи ва партиё ўртасидаги мустақам кўприк

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДАГИ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Шухрат РАҲИМОВ,
Фирдавс
ҲАМИДДУЛАЕВ,
«XXI asr»

2004 йилдан буён иш олиб бораётган Гурлан туманидаги «Хайтиммат ота» фермер хўжалигида тузилган бошланғич ташкилот фаолиятини ўрганиб, ана шундай ҳулосага келидик.

— Мазкур қўйи бўғин аъзолари, энг аввало, Президентимиз асарлари, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини ўрганиш, замонавий технологиялар асосида аҳоли билан ишлаш борасида ҳам катта тажриба тўплади, — дейди О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раиси Гофур Жуманиёзов. — Бундай ёндашув партиё дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга табиқ этишда ҳам қўл келмоқда.

БПТ етакчиси ва аъзоларининг фуқаролар йиғини раислари, ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб бораётгани натижасида эса партиёга хайрихоҳлар сони ҳам ортиб бораётган. Масалан, ўтган йили БПТ фаоллари кўмагида 12 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Бу йил эса яна 20 нафар битирувчинини ишга жойлаштиришга амалий ёрдам бериш кўзла тутилмоқда.

— Бу бир қарашда унчалик катта кўрсаткич эмасдек туюлиши мумкин, — дейди Ф.Жуманиёзов. — Аммо айни пайтда Хоразмда 715 та бошланғич ташкилот борлигини эътиборга олсак, қўйи бўғинлар партиязимнинг том маънодаги таянчи эканини чуқурроқ англаб етамиз. Тўғри, барча БПТларда ҳам ана шундай натижаларга эришилаётган, дейиш қийин. Аммо 2012 йилги ҳисобот-саноат йиғилишлари таҳриридан кейин бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тад-

бирлар белгилаб олинди. Айни пайтда вилоятнинг Урганч шаҳри ва Янги Шовот туманларида бу ишлар яхши самара бермоқда. Аммо тан олиш керак, ҳозирча Хазорасп, Боғот туманларидаги БПТлар фаолиятини талаб

қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказди. Уларда партиё электорати вакиллари, ёшлар фаол иштирок этди.

Шу ўринда Гулиमत Хайтимметов сингари ташаббускор, эл дарди билан яшаётган БПТ етакчилари-

О'ZLIDEP УСТАВИДАН

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАБУСКОР ВА ИШЧАН, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАҚЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ, КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ КЕРАК.

даражасида, деб бўлмайди. Бундан эса, энг аввало, вилоят кенгаши ва туман кенгашларининг тегишли мутахассислари жиддий ҳулосалар чиқаришлари лозим.

Ҳақиқатан ҳам, Ф.Жуманиёзов таъкидлаганидек, БПТ сиёсий куч асосидир. Шу ўринда қўйи бўғинлар сайловчилар билан партиё ўртасидаги энг ишончли кўприк эканини ҳам унутмаслик керак. Хоразмда бўлганимизда маҳаллий кенгашларга сайланган 148 нафар депутатнинг ҳар бирига бошланғич ташкилотлар билан алоқани мустақамлаш вазифаси юклатилганига амин бўлдик.

Энди яна «Хайтиммат ота» фермер хўжалигида фаолият олиб бораётган қўйи бўғин фаолиятига қайтсак.

— Ҳар ойда бир марта йиғилиб, Президентимиз фармонлари ва қарорлари, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти билан танишамиз. Улардан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинади. Бу эса БПТнинг электорат билан ҳамкорлиги самаралорининг оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда, — дейди Г.Хайтимметов. Ўтган давр мобайнида БПТ ёшларни турли ахборот хуржларидан асраш, гиёҳвандлик, одам савдосининг олдини олишга

фаолияти О'zLiDePнинг электорат ўртасидаги обрў-эътиборининг янада мустақамланишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

— Ҳар сафар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан сайловчилар учрашувларини кузатиб, жонли мулоқотлар даврида муҳокама қилинаётган аксарият масалалар, энг аввало, бошланғич ташкилотлар, шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида кўриб чиқилган масалалар эканига ишонч ҳосил қилман, — дейди Ф.Жуманиёзов. — Бу эса яна бир бор қўйи ташкилотларини қўйи бўғинга айлантириш, маҳаллий кенгаш депутатлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, яъни кучли қўйи бўғин — кучли партиё шиорига қатъий амал қилиш лозимлигини кўрсатади.

Айни пайтда О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгашидаги 23 нафар, туман (шаҳар) кенгашларидаги 125 нафар депутатлар билан келишиб, бошланғич ташкилотлар ишини бутунлай янги босқичга кўтаришга киришдик. Бу, шубҳасиз, партиязим мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда сайловчилар ишончини мустақамлашга хизмат қилади.

ЖАРАЁН

АЛИШЕР ШАЙХОВ:

«O`zLiDeP ва ССП ҳамкорлиги янгича ёндашувларни талаб этмоқда»

Давоми. Бошланishi 1-саҳифада



корларга хориждан асбоб-ускуна сотиб олиш жараёнида ёрдам бериш, кичик бизнес субъектлари иштирокида кўргазмалар ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани таъкидланапти. Ана шу жараёни худудлар миқёсида таҳлил этсак, қандай натижалар кўзга ташланади?

— Жорий йилнинг дастлаб-

бераётгани тadbirkorлар учун республика миқёсида зарур ахборот ва маъмурий ресурслардан фойдаланиш имкони яратилди.

Айни пайтда эса тегишли давлат органлари сайё-ҳаракати билан аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш бўйича

биркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган бизнес субъектлари ўртасида ижтимоий шериклик ва ҳўжалик алоқаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, Марказий банк, «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда «Бир тadbirkor — учта ҳамкор» акциясини ўтказаяпти.

Мазкур акция Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фонди грантлари асосида ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Акцияда асосан тadbirkorликни янада ривожлантириш, қўлай бизнес муҳити яратиш, тadbirkorлик фаолиятида эришилган илгўр тажрибаларни оммалаштириш, «уста-шоғирд» анъаналарини ривожлантириш орқали илгўр натижаларга эришган тadbirkorлар тажрибасини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Бугунгача мазкур акциянинг туман бўсқичлари ўтказилиб, акцияда иштирок этмоқчи бўлган илгўр, ижтимоий масъулиятли тadbirkorлар рўйхати шакллантирилди.

Тadbirkorлар тўғрисидаги маълумотлар эса www.businesshamkor.uz веб-саҳифасига киритилди.

Шу ўринда муҳим бир масалага тўхталиш жоиз, деб ҳисоблайман. Президентимиз фармон ва қарорлари, қабул қилинаётган қатор қонунлар туфайли тadbirkorлик учун қўлай бизнес муҳити яратилгани натижада ишбилармон юрдошларимизнинг ихчам ускуналар ва минитехнологияларни харид қилишга бўлган талаби ортиб бораёпти.

Аммо аксарият ҳолларда хорижий давлатларга бораётган тadbirkorлар замонавий технологияга қўйиладиган талаблар, стандартлар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эмасликлари маълум бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам палата ва худудий бошқармалар ҳузуридаги ўқув марказларида тadbirkorлар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари билан таништирилмоқда.

O`zLiDeP ва ССП ҳамкорлигида ҳам тadbirkorларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш, кичик бизнес ва галтерия ҳисоботлари асослари сингари мавзуларда интерфаол усулларда зарурий маълумотлар бериб берилмоқда.

Маълумки, тadbirkorлик ривожланиши билан бизнес фаолиятига ихчам ускуналар ва минитехнологияларни жалб қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, ишлаб чиқаришда кооперация тамойилларини жорий қилишда тadbirkorлик кўникмаси ва касбий малакани мустаҳкамлашда бизнес вакиллари ўртасида ўзаро ақборот алмашинуви таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Бундан ташқари тadbirkorлар ва тadbirkorлик фаолияти билан

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ 2013 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА УСТАВ ЖАМГАРМАСИ 1,5 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИДАН ОРТИҚ МАБЛАҒНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ЖАМИ 6 ТА, ЯЪНИ 2 ТА ҚЎШМА ВА 4 ТА ХОРИЖИЙ КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТДИ.

ки уч ойида палата томонидан 54 та тadbirkorлик субъектига жами 3,59 млн. АҚШ доллари қийматидаги мини-технологиялар ва асбоб-ускуналар олиб келиш борасида амалий ёрдам берилганини айтиш мумкин. Масалан, Хитой, Россия, Германия ва Жанубий Кореядан келтирилган 11 та технологик линия тўқимачилик, 16 таси қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, 13 таси озиқ-овқат, 4 тасидан эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, ҳуусан, гўшт ва сутни қайта ишлаш тармоқларида фойдаланила бошланди. Мини-технология ва асбоб-ускуналарни олиб келиш бўйича Андижон вилояти ишбилармонлари (жами 14 та корхона), шунингдек, Хоразм вилоятида 9 та, Қашқадарёда 6 та, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 4 талдан, Бухоро ва Фарғонада 3 тадан корхона палата кўмагида ўз молий-техник базасини кенгайтиришга эришди.

Бундан ташқари бир гуруҳ тadbirkorларимизнинг январь-март ойларида АҚШ, Германия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва Тайванда ўтказилган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишлари учун ҳам шароит яратиб берилди.

— Маълумки, ўтган икки йил мобайнида Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Фарғона, Андижон, Гулистон ҳамда Тўртқўл шаҳарларида бизнесга кўмаклашиш мақсадида «Ягона ойна» марказлари ташкил этилди. 2013 йилда республиканинг қайси шаҳарларида ана шундай марказлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган?

— Дарҳақиқат, 2010 йилдан Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» қўшма лойиҳаси доирасида Бизнесга кўмаклашиш марказларини (БКМ) ташкил этиш ишлари олиб борилди. Бугун республика миқёсининг тўртта худудида аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига «ягона ойна» тамойили бўйича турли консультатив хизматлар кўрсатуви шундай марказлар фаолият олиб бормоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, БКМ орқали консултатив хизматларни кўрсатишда бэк-офис алоҳида ўрин тутди. Call-марказ ва businessinfo.uz ахборот портали томонидан керакли маълумот ва маслаҳатлар

— Алишер Эркинвич, айтингчи, айни пайтда Савдо-саноат палатасига аъзо бўлган 23 миңдан зиёд тadbirkorлик субъектининг қанчаси кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик вакиллари ҳисобланади? Улар орасида йирик корхоналар неча фоизни ташкил этади? Сўхбатимизни шу ҳақдаги маълумотларга аниқлик киритишдан бошласак.

— 2013 йилнинг I апрель ҳолатига кўра, ССПга 10 361 та юридик шахс мақомига эга бўлган субъект, ҳуусан, 7736 та микрофирма, 1884 та кичик ва 651 та йирик корхона, шунингдек, 90 та жамоавий, яъни мулкчилик шаклидан қатъий назар, тadbirkorлик субъектларини кредитлар билан таъминлашда иштирок этаётган тижорат банклари, тармоқ ва худудий ҳўжалик бирлашмалари, сугурта ташкилотлари, жамғарма ҳамда улар таркибидagi тузилмалар аъзо бўлган. Палата билан ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахс мақомига эга тadbirkorлар сонини эса ҳисобот даврида 12 миң 927 нафарни ташкил этди.

— Маълумотларга кўра, 2012 йилда 70 дан ортиқ чет эл делегацияси вакиллари билан музокаралар олиб борган ССП мамлакатимизда 20 та қўшма корхона ва 29 та хорижий корхонанинг тузилишига яқиндан кўмак берган. 2013 йилнинг ўтган даврида қайси давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди?

— 2013 йилнинг I чорагида палата жами 5 та хорижий давлат делегациясининг Ўзбекистонга иқтисодий-инвестициявий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадидаги ташрифларини ташкил этишда бош-қош бўлганини айтиш мумкин.

Жумладан, январь ойида Канада ишбилармонларининг ташрифи доирасида Ўзбекистон-Канада бизнес-форуми ва кооперация биржаси ўтказилган бўлса, февраль ойида Ўзбекистон-Саудия Арабистони ишбилармон доираларининг бизнес-форумига мезбонлик қилди. Бундан ташқари Уммон Султонлиги ишбилармон доира вакиллари ташрифи ҳам самарали кечди. Бундай учрашувлар, шубҳасиз, ишбилармонларимиз билан хорижий тadbirkorлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди, дейиш мумкин.

Шу ўринда тadbirkorларимизнинг хорижий ишбилармон доиралари билан алоқаларини кенгайтириш борасида Польша ва Жанубий Кореядаги ҳамкор ташкилотлар билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Битимлар имзоланганини ҳам қайд этиш жоиз.

Шу тарихда ССП 2013 йилнинг I чорагида Устав жамғармаси 1,5 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағни ўз ичига олган жами 6 та, яъни 2 та қўшма ва 4 та хорижий корхонани ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатди.

— 2013 йилнинг биринчи чорагида ССП томонидан тadbirkor-

«Хундай-Аванте» ушланди

НАМАНГАНЛИК МУРОД САЛОХИДДИНОВ ИШ ЮЗАСИДАН ТЕЗ-ТЕЗ ПОЙТАХТГА КЕЛИБ ТУРАДИ. ЎША КУНИ ҲАМ «ХУНДАЙ-АВАНТЕ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛДА ТОШКЕНТГА КЕЛИБ, МАШИНАСИНИ «ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ» ОЛДИДА ҚОЛДИРДИ. ЭШИКЛАР ҚУЛФЛАНГАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛГАЧ, БОЗОРГА КИРИБ КЕТДИ... АММО БИР СОАТЛАРДАН КЕЙИН ҚАЙТИБ ЧИҚСА, МАШИНАСИ ЖОЙИДА ЙЎҚ

Мансуржон РИХСИЕВ ИИБ ЙХББ катта инспектори, подполковник



— Ўзи шу ерга қўйган-мидингиз, — сўради атрофдаги ҳайдовчилардан бири. — Калити ўзингиздами? — Мана, — деди Мурод тўрт томонга боқар экан. — Энди нима қиламан? — «02» га қўнғирок қилиш керак, — маслаҳат берди ёши каттароқ киши. — Бирор жойга беркинмасдан ушлаш керак...

Кўп ўтмай, Тошкент шаҳрида хизмат олиб бораётган патруль автомобилларининг алоқа воситаси ишга тушди.

— Диққат, диққат! Барча постлар, хизматдаги ходимлар диққатига! Номалум шахс томонидан «Хундай-Аванте» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 S 454 СА автоулови «Чилонзор буюм бозори» олдидан олиб қочилган. Транспорт воситасини ушлаш чоралари кўрилинсин...

Худди шу вақтда Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ навбатчиси Бош бошқарма навбатчиси майор И.Усмоновга содир этилган жиноят тўғрисида маълумот етказди. И.Усмонов эса, ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлари ИИБ ЙХББларининг ахборот-диспетчерлик хизматларига хабар берди. Шу тариқа бутун республика бўйлаб ўғирланган транспорт воситасини ушлаш ишлари ташкил этилди.

Самарқанд вилояти ИИБ ЙХББга қарашли «Юқори нуқта» мунтазам йўл-патруль хизмати маскани ходимлари ҳам ҳўшёрликни оширишди. Ҳар бир транспорт воситаси сиичковлик билан кузатила

бошланди. Шунда Жиззах томонидан келаётган енгил автомобиль улар эълитборини тортиди. Катта сержант О.Ҳамидов ҳайдовчига тўхташ ишорасини кўрсатди. Аммо ҳайдовчи тўхташ ўрнига аксинча, тезликни кескин оширди. Инспектор ўз шерити, кичик сержант О.Ҳамидов билан дарҳол хизмат автомобилга ўтириб, жиноятчини қуввишга тушди. Айни пайтда шу йўналишдаги мобил гуруҳлар ва «Штаб» мунтазам йўл-патруль хизмати масканларига хабар берди.

Шу кунни вилоят ИИБ ЙХББ бўйича масъул майор А.Жўраев зудлик билан «Штаб» мунтазам ЙПХ масканига етиб келди. Ходимларга транспорт воситасини ушлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Таъкид қилаётган ходимлар билан боғланди.

— Олиб қочилган автомобиль катта тезликда ҳаракатланаёпти, ҳозир Зарафшон дарёси кўпригиндан ўтаётирми, — хабар қилди О.Ҳамидов.

— Тушундим. Кузатувни давом эттиринг, — деди А.Жўраев.

Шу тариқа барча ходимлар огоҳлантирилиб, йўлни ёпиш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Айни пайтда хизматда бўлган 1-ЙПХ отряди 2-сафарбар-

лик гуруҳи командири, кичик сержант М.Эгамбердиев, ЙПХ инспекторлари — катта сержант Ш.Достонов, кичик сержант Ш.Исмоилов, ЙПХ кинолог-инспектори, кичик сержант О.Болтаев ўғирланган транспорт воситасини ушлашга шай бўлиб турдилар.

— «Тўсиб ушлаш» тadbirkor эълон қилинганидан кейин барча ходимларимиз ҳўшёрлик билан хизмат олиб боришди, — дейди Самарқанд вилояти ИИБ ЙХББ ЙПХБ штаб бошлиғи, майор А.Жўраев. — Айниқса, йўналишни тўсиб, ҳайдовчини қўлга олиш жараёнида ходимларимиз ўзларининг жисмоний тайёргарликлари юксак даражада эканини кўрсатишди. Ўғри-ҳайдовчини Самарқанд шаҳар ИИБнинг тергов бўлимига топширишди.

Шундай қилиб, ИИБ ходимларининг ҳўшёрлиги, ўз ишларини пухта билишлари натижасида яна бир жиноят қисқа вақт ичида фож этилди.

Халқимизда бузоқнинг югургани — сомонхонага, деган нақл бор. Кимки жиноятга қўл урса, ўзгалар мулкига кўз олайтирса, қонун олдига жавоб беради, яъни жиноят жазосиз қолмайди. Юқоридаги ҳолат ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ГОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳўжжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Танлов ҳўжжатида йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашў ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоаялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳўжжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Фонд томонидан лойиҳа гоаялари ва уларнинг лойиҳа ҳўжжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳўжжатлар тақдим этилиши лозим:

Ариза (намуна бўйича);

Инвестиция таклифи (намуна бўйича);

Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун:

Тел.: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;

Web-sayt: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-кават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Реклама

«COLLEGIAL PROTECT»

Ўз хизматини таклиф этади

Ҳурматли тadbirkor ва фермерлар! Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча худудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини таклиф этади. Яъни фирма томонидан тadbirkor ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа равнақи ва қонунчилигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мурожаат учун телефонлар:
8(371) 269-00-40,
(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.

Хизматлар лицензияланган!

Шухрат Хўжаев
сўхбатлашди.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

«Қора олтин» васвасаси

ЭНГ ҚИММАТБАҲО ХОМ АШЁГА АЙЛАНГАН НЕФТЬ ВА ГАЗ ЗАХИРАЛАРИНИНГ КАМАЙИБ БОРАЁТГАНИ, 2020 ЙИЛГА БОРИБ УШБУ МАҲСУЛОТГА БЎЛГАН КУНЛИК ТАЛАБ 100,2 МИЛЛИОН БАРРЕЛГА ЕТИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАХМИНЛАР БУ БОРАДА ЖИДДИЙ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Ҳақиқатан ҳам, sanoat соҳасининг шиддат билан ривожланиши нефть ва «зангори олов» қадрини кундан-кунга оширмақда. Ҳисоб-китобларга қараганда, айни пайтда газнинг йиллик истеъмоли дунё миқёсида 3 триллион куб метрни ташкил этаётти. Мутахассислар томонидан 20 йилдан кейин бу талаб 6 триллион, айрим маълумотларга қараганда эса 2020 йилга бориб нефтьга бўлган кунлик эҳтиёжнинг 103,2 миллион баррелга етиши тахмин қилинаётти. Шу ўринда дунё энергия ресурслари умумий миқдорининг 41,3 фоизи нефть ҳиссасига тўғри келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда нефть ва газ учун аёвсиз рақобат бошлангани, ушбу маҳсулот билан боғлиқ бўлган иқтисодий-сиёсий ўйинлар ҳам нефть ва газ нархининг ошишига сабаб бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Шу маънода биргина қалтис ҳаракат ҳам айрим давлатлар ўртасидаги муносабатларни боши берк қўчага киритиб қўйиши мумкинлиги эътироф этиляпти.

ти. Хусусан, айрим минтақалар, биринчи навбатда, Форс кўрфази ва Лотин Америкасидаги сиёсий ва ҳарбий вазиятнинг кескинлашуви халқаро муносабатларга ҳам таъсир этаётти. Бунда Ироқ уруши ҳам нарх-навонинг сунъий ошишига сабаб бўлганини айтиш мумкин. Айни пайтда эса Эроннинг ялрвий лойиҳаси Эрон-Америка

Каспий денгизининг газ ва нефти билан боғлиқ муаммолар келтирилади. Тўғри, 1998-2002 йилларда Каспий масаласи бўйича Техрон, Боку, Москва, Оситона ва Анхобод ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланган эди. Бироқ уларда денгиз бўйидаги етказиб берувчи манфаати инobatта олинмагани боис улар ўз аҳамиятини йўқотди. Айрим таҳлилчилар Каспий агрофидалардаги баҳс-мунозаралар яқин орада барҳам топмаслигини тахмин қилмоқдалар.

лашаётти. Шу ўринда Америка ва Европа компаниялари ҳам Марказий Осиё ва Кавказда нефть ва табиий газ қазиб олиш ва уни ташини соҳасидаги вазиятни такомиллаштириш борасида бир қатор таклифларни илгари сураётганларини таъкидлаш жоиз. Бу боралати амалий фаолият натижасида «Баку-Тбилиси-Жайҳун»

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, «ОРЕК»ГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАРДАГИ НЕФТЬ ЗАХИРАСИ 80 ЙИЛГА, АКЦИНЧА, ТАШКИЛОТ ТАРКИБИГА КИРМАГАН ДАВЛАТЛАРДА ЭСА УЗОҒИ БИЛАН 20 ЙИЛГА ЕТИШИ МУМКИН.

муносабатларининг кескинлашуви, хусусан, жаҳон бозорида нефть ва табиий газ бозорининг издан чиқишига олиб келиши мумкинлиги борасидаги фикрлар янграмоқда. АҚШ ва Лотин Америкасида углеводород етказиб берувчи мамлакат — Венесуэла ўртасидаги муаммолар ҳам бундан мустасно эмас. Кузатувчилар мазкур минтақалардаги баҳс-мунозаралар яқин орада барҳам топмаслигини тахмин қилмоқдалар.

салала ҳам чиғалликни вужудга келтирилади. Тўғри, 1998-2002 йилларда Каспий масаласи бўйича Техрон, Боку, Москва, Оситона ва Анхобод ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланган эди. Бироқ уларда денгиз бўйидаги етказиб берувчи манфаати инobatта олинмагани боис улар ўз аҳамиятини йўқотди. Айрим таҳлилчилар Каспий агрофидалардаги баҳс-мунозаралар яқин орада барҳам топмаслигини тахмин қилмоқдалар.

нефть қувури ва «Баку-Арзирум» газ қувури ўтказилди. Аммо ана шу қувурлар ҳанузгача нефтьга тўлмайпти. Шубоис Европифоқ Озарбайжон ва Марказий Осиё нефть захираларига тегишли бўлган «Nabucco» лойиҳасини илгари сурган эди. Айни пайтда Россия ҳам Жанубий газ лойиҳасини таклиф этаётти. Ана шу икки лойиҳа юзасидан эса ҳанузгача ягона қарорга келинмаётти. Албатта, ҳар бир муаммо замирида ўзига хос сабаблар бор. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, бу борда ЕИнинг газ қувурини ўтказишда Россияни четлаб ўтганига бўлган уринишлари сабаб бўлаётти.



ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

ЧЕКЛОВ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?



Россияда қабул қилинган янги қонунга биноан, қатор жамоат жойларида чекиш ман этилиб, тамаки маҳсулотларининг рекламасига ҳам қатъий чеклов ўрнатилди. Энди давлат идоралари, жамоат транспорти, турар-жой йўлаклари, аэропорт ҳамда вокзаллардан 15 метр узоқликда чекишга рухсат этилади. Янги қонунга кўра, тиббиёт, таълим, спорт ва маданият муассасаларида сигарета чекканларга жарима солиш белгиланган. 2014 йилда эса мазкур қонун ресторан, бар, кема ва поездаларни ҳам қамраб олиши кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Россия чекувчилар сони юқори бўлган мамлакатлардан бўлиб, бу ерда вояга етган аҳолининг 40 фоизи тамаки маҳсулотларини истеъмол қилади.

Аммо айрим таҳлилчилар мазкур қонун амалга киритилишидан олдин мамлакатда унинг ижроси учун етарлича шарт-шароит яратилиши лозимлигини билдирмоқдалар.

ЖИНСИГА ЭМАС, ЁШГА ҚАРАЛАДИ



Буюк Британия парламенти тахтга ворислик ҳақидаги янги қонун лойиҳасини кўриб чикмоқда. Агар ушбу қонун кучга кирса, қироллик тожи ҳукмдор фарзандларининг жинсига эмас, балки ёшига қараб кийдирилади. Эслатиб ўтиш жоиз: 1701 йилда қабул қилинган ва ҳозирда амал қилаётган қонунга биноан, қирол насли вакиллариининг фақат эркакларигина тахтга ўтириш ҳуқуқи эга. Қирол оиласи авлодлари орасида эркаклар бўлмаган тақдирдагина тахтни аёл киши қабул қилиши мумкин. Хусусан, айни пайтда мамлакатни бошқараётган қиролчица Елизавета II ҳам айнан шу тариха қиролчицалик унвонига эга бўлганди. Яъни унинг ака-укалари бўлмагани учун тахт Георг

Видан унинг тўнғич қизига ўтган.

160 МИНГ ЕВРО КЕРАК

Испанияда қабул қилинган янги қонунга биноан, давлат ҳудудидан 160 минг евролик кўчмас мулк сотиб олган ҳар қандай шахс тўғридан-тўғри ушбу мамлакатда доимий яшаш ҳуқуқини кўлга киритади. Маълумотларга кўра, бундай имтиёзга даъвогарлар сони бугунга келиб 70 нафардан ошган.

ҲИНДИСТОНЛИК АЁЛЛАР УЧУН МАХСУС БАНК



Ҳиндистон Молия вазирлиги мамлакат Марказий банкига «Аёллар банки» лойиҳасини тақдим этди. Маълумотларга кўра, шу йилнинг кузида ўз фаолиятини бошлаши режалаштирилган банкнинг Низом жамгармаси 10 млрд. рупия, яъни 176 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Аҳамиятлиси, лойиҳага кўра, банк ва унинг олтига ҳудудий бўлинимасида асосан аёллар фаолият юритади. Энг муҳими, банк фақат хотин-қизларга хизмат кўрсатади. Жумладан, ўз бизнесини ривожлантирмоқчи бўлган аёллар шу банкдан имтиёзли асосда, ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари мумкин бўлади.

МАЛАВИ ЁШЛАРИНИ «ЭКСПОРТ» ҚИЛМОҚЧИ

Малави ҳукумати қарийб 100 минг нафар фуқарони Меҳнат шартномаси асосида Жанубий Кореяга жўнатиб, шу йўл билан ёшлар орасидаги ишсизликни камайтиришни режалаштирмоқда.

Хабарларга қараганда, ёшларни «экспорт» қилиш лойиҳаси ҳукуматга Малави Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган. Маълумотларга кўра, айни пайтда малавилик мактаб битирувчиларининг 80 фоизи ишсиздир. Жанубий Корея ҳукумати эса мазкур таклифга ҳозирча жавоб қайтаргани йўқ.

Гулноза МУҲИДДИНОВА тайёрлади.

даромад олаётти. Шунингдек, Эрон, Кувайт, Қатар ва Бирланган Араб Амирликларида ҳам нефть sanoatидagi барқарорликни кузатиш мумкин. Сайёра-миз миқёсидаги кунлик нефтини қайта ишлаш кўрсаткичи бўйича ҳам ушбу мамлакатлар етакчи ўринда. Биргина Саудияда ўртача 8 миллион баррель миқдориди нефть қазиб олинаётти. Маълумотларга қараганда, «ОРЕК»га аъзо мамлакатлардаги нефть захираси 80 йилга, аксинча, ташкилот таркибига кирмаган давлатларда эса узоғи билан 20 йилга етиши мумкин.

Шунинг учун ҳам кузатувчилар иқтисодий таҳлил ривожланиётган давлатларда ҳам энергия ресурслари мавзуси бирламчи масалага айланганини таъкидлашмоқда. Масалан, Хитойда гарчи нефть борасида муаммо бўлмаса-да, аммо табиий газ истеъмоли нуқтаи назаридан мамлакатнинг глобал миқёсдаги таъсири ҳали у қадар юқори эмас. Бунинг асосий сабаби ХХРда умумий энергия истеъмолидаги табиий газ ҳажми кўмир улуғини табиий газ ҳисобига қисқартиришни режалаштирмоқда. Шунинг учун мамлакат табиий газ қазиб олиш ва газ қувурлари ўтказиш бўйича хорижий мамлакатлар билан ўзаро

келишувга эришишга интилоқда. Кунчиқар юрт — Японияда ҳам вазият мураккаблигича қолмоқда. Чунки кунлик истеъмол қилинаётган саякам 6 млн. баррель нефтининг ҳаммаси мамлакатга импорт қилинади. Табиий газ истеъмоли ҳам йилга 100 млрд. метр кубни ташкил қилаётти. Ҳиндистон ҳам бир вақтлар табиий газга нисбатан талаби ўз конларидан олинаётган хом ашё ҳажмидан ортиб кетаётгани туфайли Қатардан суюлтирилган газ олиш бўйича келишувга қўл урган эди. Ушбу келишув ҳозир ҳам давом этаётганини таъкидлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, нефть ва газ захираларининг камайиб бораётгани дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллашпти. Халқаро шарҳловчилар бугун дунё нигоҳи Арктикага қаратилганини ҳам таъкидлашмоқда. Буни йирик айбсерлар қаърида табиатнинг беминнат тўғрисидаги «қора олтин» конлари борлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, АҚШ геология хизмати тақдим этган маълумотларга қараганда, Арктика уммони қаърида 75 миллиард баррель нефть, шунингдек, дунё газ конденсатининг қарийб 22-33 фоизи мавжуд. Бу рақамлар Россия, Саудия Арабистони ва Эрон нефть ва газ захиралари миқдорига яқин экани ҳам эъти-

борга молик. Шу ўринда глобал исини натижасида Арктика музликларининг эриши башарият келажагига қатта хавф туғдираётганини айтиш жоиз. Боз устига, совуқ ўлка музликлари бағрида ҳали тўла асосланмаган нефть ва газ захираси борлиги хусусидаги фарзларнинг томир отаётгани вазиятни тобора чиғаллаштирмоқда. Ҳозирда ноқ Россия, Норвегия, Канада, Дания ва АҚШ манфаатлари мазкур минтақа атрофида ўзаро тўқнаш келгани экспертлар эътиборини тортташпти. Айниқса, арктик Аляска қўнчилиқ диққат марказида турибди. Сабаби, бу ерда 15 миллиард баррель нефть ва салкам 80 триллион куб метр табиий газ захиралари яширингани тахмин қилинмоқда. Узоқ йиллар давомида «ўлик ер» саналган музликлар салтанни Арктиканинг бугунга келиб геосиёсий аҳамияти шунинг учун ҳам тобора юксалашпти. Таҳлилчилар агар ўзбошимчалик билан чегаралар бўлиб олинса, Арктика XXI асрнинг энг «қайноқ» нуқтасига айланиши таъкидлаш бошлашди. Бу эса нефть ва газ бозоридидаги муносабатларни янада кескинлаштириши мумкин.

Шу боис жаҳон ҳамжамияти «қора олтин» ва табиий газ доирасида вужудга келаётган зиддиятларни имкон қадар юмшатишга интилоқда.

ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

**2013 ЙИЛ УЧУН
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

**Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy,
tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab
tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.**

СЎНГГИ САҲИФА

ХАБАРЛАР

80 Ёшлик РЕКОРДЧИ ВАЗИР ХАТОСИНИ ТАҚРОРЛАМАДИ

Яқинда саксон ёшга тўлган япониялик Юитиро Миура сайёрамизнинг энг баланд нуқтаси — Эверест (Жомолунгма) чўққисини забт этган энг кекса альпинист одам, деган номга сазовор бўлди. Маълум бўлишича, Миура ўғли Гого билан биргаликда 8848 метрлик чўққига кўтарилиш учун 8 кун сарфлаган. Эътиборлиси, оғир йўналишнинг сўнгги босқичида қатор муаммоларга дуч келган ота-ўғил кислородли никобларсиз ҳаракатланишга мажбур бўлишган. Шунга қарамай, бор куч-гайратини ишга солган Юитиро ва унинг ёрдамчиси манзилга эсон-омон етиб боришган. Бунгача Эверестга кўтарилган энг кекса альпинист сифатида чўққини 2008 йил 76 ёшида забт этган непаллик Бахадур Шерчаннинг исми-шарифи эътироф этиларди. 2011 йилда мазкур рекордни 82 ёшли Непал собик ташки ишлар вазири Шайлендра Кумар Упадхай янгилашга ҳаракат қилган. Аммо кучини тўғри тақсимлай олмаган вазири ярим йўлда жон тақдир қилган эди. Шу ўринда Юитиро Миура Эверестни 70 ва 75 ёшларида ҳам забт этганини айтиб ўтиш жоиз.



Реклама

Ҳаммаси ўз қўлимизда

ОМАД БИЛАН БИРГА МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ ВА ИШОНЧ ОРҚАЛИ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИЛАДИ

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI ASR»

4 июнь кунини футбол бўйича 2014 йилги жаҳон чемпионати Осиё минтақаси саралаш босқичининг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Гарчи белгиланган тақвимга кўра, миллий терма жамоамиз шу кунга дам олган бўлса-да, Жанубий Корея ва Ливан, Эрон ва Қатар жамоалари ўртасида кечган ўйинлар ўзбек футболчи мухлисларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Хусусан, Қатарга сафар уюштириб, мезбонларни кичик ҳисобда бўлса-да, енгган эронликлар турнир жадвалидаги мавқеларини бироз яхшилаб олган бўлсалар, гуруҳ фаворити — Жанубий Корея терма жамоасини ўз майдонига қабул қилган Ливаннинг шов-шувли натижани қайд этиши учун том маънода бир баҳя қолди: ўйиннинг бошидаёқ ҳисобни очган ливанликлар номдор рақибларнинг сон-саноксиз ҳужумларини бартараф этган ҳолда, учрашувнинг асосий вақти тугагунча ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб турдилар. Бироқ ҳакам томонидан қўшиб берилган 7-дақиқада (!) жарима зарбаси белгилангани ўйиннинг дуранг билан тугашига сабаб бўлди. Шу тариқа очколари сонини 10 тага етказган Эрон терма жамоаси учинчи ўринга мустақкам жойлашиб олган бўлса, тўплар нисбати бўйичагина миллий терма жамоамиздан ўтиб кетган Жанубий Корея 1-ўринга кўтарилди.

Тўғри, ана шу турдан аввал аксарият ишқибозларимиз Қатар ва Ливан терма жамоалари зафарини кутишгаётган эди. Бинобарин, бу ҳолда Эрон ҳамда Жанубий Корея тимсолидаги асосий рақибларимизнинг имкониятлари бир мунча пасайган бўларди. Шундай бўлса-да, айна пайтлаги натижалар ҳам вазиятни кескин ўзгартирган йўқ. Агар корейликлар Ливан терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратганларидан (бунинг учун уларда имконият старли эди) терма жамоамиздаги вазият анчайин оғирлашган бўларди.

Энди миллий терма жамоамизнинг ана шу ўйинларга кўрсатаётган тайёргарлигига тўхталиб ўтсак. Аввал хабар берганимиздек, 2 июнь кунини Тошкентда йирилган, 4 июнь кунини эса Пекинга старт оладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида, ундан аввал эса мазкур мусобақага сўнгги тайёргарлик босқичини ўтаб берувчи, Испанияда бўлиб ўтган турнирда иштирок этишини инобатга олиб, уларни безовта



қилмасликка қарор қилдик, — дейди М.Қосимов. — Хитой терма жамоасига қарши ўтказиладиган ўртоқлик учрашувига келсак, мазкур ўйинда футболчиларнинг, машғулотларда яққол кўринмаган жисмоний ва техник ҳолатларини аниқлаб олишни режалаштирганмиз. Навбатдаги спарринг рақиб сифатида Хитойни таллаганимиз бежиз эмас. Чунки хитойликлар ўйин услуби Жанубий Кореяникига ўхшаб кетади. Қолаверса Чин юртидан Сеулга етиб олишимиз осон кечали.

Дарвоқе, ҳисоб-китобларга кўра, терма жамоамиз 5 кундан сўнг корейларга қарши ўтказилаётган ўйинда галаба қозонса, «ЖЧ-2014» йўлланмасини муддатидан аввал (шу ўринда 4 июнь кунини ана шу бахтга Осиё саралаш баҳсининг «В» гуруҳида Австралия билан дуранг ўйнагани Япония терма жамоаси сазовор бўлганини айтиш

лозим) қўлга киритади. Зеро, сўнгги турдан ўрин олган Жанубий Корея-Эрон ўйинида икки томондан бирининг очко йўқотиши аниқ. Энг муҳими, 11 июнь кунини Жанубий Корея ва 18 июнь кунини Қатар терма жамоаларига қарши майдонга тушадиган футболчиларимиз мазкур баҳсда ижобий натижаларни қайд этсалар бўларди. Ваҳоланки, илгари (аввалги жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида) бундай вазиятларда терма жамоамизнинг галаба қозонишидан ташқари, асосий рақибларнинг мағлуб бўлишининг кутардик. Бошқача айтганда, энди ҳаммаси футболчиларимизнинг ўзларига боғлиқ.

Шундай экан, Миржалол Қосимов ва унинг шогирдларига мухлисларимизнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқаришда жуда катта омад ва мустақкам ишонч тилаб қоламиз.

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 6-13 июнь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгариб турсада, ёгингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 7-8 июнь кунлари 35-40, ҳафтанинг охирига бориб 32-37 даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22 даражадан 20-25 даража иссиқгача, кундузи 32-37 даражадан 35-40 даража иссиқгача кўтарилиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари кечаси 17-22, кундузи 7 июнда 32-37, 8-10 июнь кунлари эса 35-40 даража иссиқ бўлиши кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда об-ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 7 июнда 32-37, ҳафтанинг дам олиш кунлари 33-38, баъзи жойларда 37-42 даража иссиқгача кўтарилади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси 10-15 даража илик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.



ХАБАРЛАР

ЧЕГАРАДА ҚОЛГАН ТАНАЛАР

Кейинги пайтда республикамиз ҳудудидан нобҳ маданий бойликларнинг миллий ва халқаро қонунийликка эга равишда олиб чиқилиши ҳолатлари кўп учраётган бўлса-да, бундай қинғир ишларга ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Хусусан, яқинда «Тошкент-Аэро» иختисослаштирилган божхона комплекс ходимлари томонидан Озарбайжон

Республикаси пойтахтига йўл олган наманганлик Г.Сарварова ҳеч қандай ҳужжатларсиз 19 дон

кадимий тангани аширинча олиб кетаётганида ушлаб қолинди. Шунга ўхшаш ҳолат пойтахтлик божхоначилар томонидан ҳам аниқланди. «Келес» темир йўл божхона постидан «Тошкент-Москва» йўналиши тартибларга зид равишда турли тарихий ва нобҳ буюмлар ҳамда

26 дон олтин ва қумушдан ишланган тарихий ордениларни республикамиздан олиб чиқишга уринган пайтда божхоначилар томонидан тўхтаб қолинди.

Шунингдек, Тошкент вилояти божхона божхона ходимлари юртимиздан чиқиб кетаётган фуқаролар С.Фузаилов ҳамда И.Ермевларнинг кўп юкларини кўридан ўтказганларида улар 132

дона, қиймати 21 млн. сўмдан ортиқ турли хил маданий бойликларни божхона баённомасида кўрсатмаганлари фош бўлди.

А.МУЗАФАРОВ
тайёрлади.

РЕКЛАМА

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Сайфулла ИКРОМОВ.

«XXI ASR» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли Газетхонлар, тадбиркор ва ишбилармон юртдошлар! Агар Сиз ўзингизни қизиқтираётган саволларга тез ва аниқ жавоб олиш, фаолиятингизга ҳалақат бераётган масалаларга ойдинлик киритишда малакали мутахассислар фикрлари, бу борадаги маълумотларга эга бўлишни хоҳласангиз, таҳририятга мурожаат қилинг. Сизнинг ҳеч бир мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди.

Хат ва хабарларингизни қуйидаги манзилларга жўнатишингиз мумкин:

Почта манзили: 100051, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 73-А уй.
e-mail: XXIasr@uMail.uz.
Мурожаат учун телефон рақамлари: 255-64-80, 215-63-80 (факс).

«NAVOIYAZOT» ОАЖ

СИНТЕТИК ПОЛИАКРИЛНИТРИЛ ТОЛАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА ЙИРИК КОРХОНА НИТРОН ТОЛАСИНИ
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ ОРҚАЛИ СЌТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Нитрон толаси тўқимачилик ва
гилам саноатида, техник газламаларни
ишлаб чиқаришда қўлланилади

www.navoiyazot.uz

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навои-5
Факс: (+99879) 223-75-80
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99
e-mail: market@navoiyazot.uz

СЌТУВ БЎЛИМИ:
(+99879) 229-23-04, 229-21-68
e-mail: sale@navoiyazot.uz

Маҳсулот сертифициқлашган!

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖЎРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳоидир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳаммад АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИЛОВ, Эркин ТЌШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲМОНОВ, Марк ЮСИПОВ, Эмом Абдураманов, Шаҳноз НАЗАРОВА, Сайдулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАХМОНОВ.
НОСБИ: ТЌШЕВ, Ориф УЙМАСОВ, Янубий ҚУМҚОРОВ.
БОШ МУХАРРИР: Мироди АБДУРАХМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbороот ва тахлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва ёшлар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru.
© «XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМДУ бошқармачисида chop этилди. Корхона манзили Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

XXI ASR
ITIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIKORLAR VA ISHBILARMONLAR
HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати «Ўзбекистон» Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Миллий ва аxbороот агентлигида 2011 йил 14-июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Бўғурта рақами: 17305. Тираж: 22324
Баҳоис келишилган нархда.
Таърихи: — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ш.РАҲИМОВ.